

## Назиҳа опоқининг дуоси



11:18 / 11.08.2023 1767

*(Абдуллоҳ аканинг айтганлари)*

Аллоҳ раҳмат қилсин, онам жуда тақводор аёл эдилар. Даврадошлари билан суҳбатлари ҳам илм, ибодат, одамийлик, яхшилик ва хайр-садақа хусусида бўлар эди. Назиҳа исми хола онамнинг жуда яқин дугонаси эди. Уйга тез-тез келарди. Бир куни кўчага чиқаётиб беихтиёр холага рўбарў келиб қолдим. «Абдуллажон ука, – деди Назиҳа хола шунда, – шу бизнинг ўғилларга ҳам бир насиҳат қилинг. Улар ҳам Худони таниб, намоз ўқисин, пешонаси сажда кўрсин».

Мен тўсатдан айтилган бу таклиф хусусида аввалига нима дейишимни билмай қолдим. Ўйландим. Зотан, шундай тақводор холанинг фарзандлари ибодат ҳаловатидан бенасиб юрганини билардим. Бандамиз

-таажжубланардим. Ушбу таклиф кўнгилдаги чигилни ёзиш учун бир фурсатдек туюлди менга. Шу боис тажрибадан ўтган бир тадбирни сўзладим. «Бунинг учун сиздан ҳаракат лозим. Менинг сўзларимдан кўра сизнинг дуоингиз таъсирли бўлади. Тунлари ухلامасдан ойлаб Аллоҳдан сўраб дуо қиласиз. Ичишини ташлашини сўрайсиз. Инсоф, топганига барака тилайсиз. Давоси шу. Аллоҳдан бошқа ҳодий йўқ. Сиз билан биз сабабчи, холос». Шу зайлда бир оз гапирдим. Онамнинг айтишича, Назиҳа хола олти-етти ой тунлари ухламай, йиғлаб дуо қилган эканлар. Аллоҳдан ўғилларига ҳидоят тилабдилар.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг аввал Худо, қолаверса, она дуоסי сабаб тўртала ўғил ҳам тўғри йўлни топишди. Ўғрилик билан тўғрилиқни, яхши билан ёмонни, ҳалол билан ҳаромни фарқлайдиган бўлди. Шариат аҳкомларини ўрганишди. Битта ўғли илм ўрганиб, илм ўргатадиган бўлди. Ҳар бири ўтиб кетган ўша хола – оналари руҳи покларига Қуръон ўқиб бахшида қиладилар. Муҳими ҳам шу. Чунки савоб шундан боради.

Назаримда, бизлар учун бугун ҳаммасидан аввал тақводор, солиҳа оналаримизнинг дуоסי муҳим.

Тақвода гап кўп, дуода ҳам.

**Баҳодир Нурмуҳаммад**  
**«Ҳилол» журналиниг 4(49) сонидан**

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 июндаги 03-07/4775-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.*